



# АЛИШЕР НАВОИЙ ВА XXI АСР

Жаҳонгоҳи таълим ва маданияти Тоҷикон  
Тошкан, 2012. ҷил. 1. 100 с. 1000 н.

УЎК: 82.0(100) /20/:821.512.133 (092)

КВК:

Навой А. (06)

“Алишер Навоий ва XXI аср”: республика илмий-назарий анжумани материаллари; / масъул муҳаррир Ш.Сирожиiddинов. Т.: “Навой университети” Нашриёт-матбаа уйи”, 2019. – 556

**Масъул муҳаррир:**  
**Шухрат Сирожиiddинов,**  
*филология фанлари доктори, профессор*

**Лойиҳа раҳбари:**  
**Нурбой Жабборов,**  
*Филология фанлари доктори, профессор*

**Тўплаб, нашрга тайёрловчилар:**  
**Каромат Муллахўжаева**  
*филология фанлари номзоди*

**Дилнавоз Юсупова**  
*филология фанлари номзоди, доцент*

Ушбу тўпланда “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзuidaги халқаро илмий-назарий анжуманига юборилган илмий мақолалар жамланган. Тўпланда Алишер Навоий адабий-илмий меросининг мутоз адабиётимиздаги ўрни ва бугунги аҳамияти, шунингдек, шоир ижодида боғлиқ ҳолда матншунослик масалалари, тишшунослик муаммолари ҳақида сўз юритилган. Ўзбек навоийшунослигининг бугунги ҳолати ва истиқболи борасида муайян тасаввур бериши унинг аҳамиятини белгилайдиган омиллардан биридир. Китоб филолог мутахассислар, илмий талқикотчилар, магистр ва бакалавр талабалар ҳамда кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

ISBN: 978-9943-52-310-4

© “NAVOIY UNIVERSITETI”  
NASHRIYOT-MATBAA UYI”, 2019



МАХАММАДИЕВА Юлдуз. Навоий ва Феруз.....	438
МАДИРИМОВА Соҳиба. Мутриб ижодида Навоий аъналари.....	440
МАНСУРОВА Малика. “Ишк ичра жунун анинг сифоти...”.....	441
МУРТАЗОЕВ Бобоназар. “Насойим ул-муҳаббат” ва “Нафахот ул-унс” кибсига доир.....	443
МУҲАММАДИЕВА Дилафруз. Навоий ва Бобур ижодининг Туркияда ўрганилиши.....	444
МАЛИКОВА Ситора. Алишер Навоий чистон устаси.....	445
НОРКУЛОВА Шахноза. Алишер Навоий талкинида адаб.....	447
НИЗОМОВ Фарҳод. “Сабаи сайёр” дostonида қаҳрамонлар руҳиятининг рақамларда акс этиши.....	449
ПРИМОВ А., ХУДОЙҚУЛОВА Ш. Халқ оғзаки ижодида Алишер Навоий образи.....	451
РАҲИМОВА Гулбаҳор. Субҳи саодат узра давлат шомидур.....	454
РАҲИМОВ Комилжон. Бухорода битилган тасаввуфга оид назарий манбаининг «Насойим ул-муҳаббат»га таъсири.....	456
РАҲАБОВ Фахриддин. Алишер Навоий адабий меросининг “Ғаройибат” асари бадиятини шаклланишидаги ўрни.....	458
РАҲМОНОВА Шахноза. Чустийнинг Навоийга боғлаган таҳмиси.....	460
РУЗМЕТОВ Шаҳзодбек. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” ва “Сабаи сайёр” дostonларида Абдурахмон Жомий таърифнинг кибсий таҳлили.....	462
САРИБОЕВА Мақсуда. Буюк сўз соҳири.....	464
САРИБОЕВА Мақсуда. Буюк сўз соҳири.....	466
СУЛТАЙМАНОВА Лола. А.С.Пушкин и А.Навои.....	467
САФАРОВА Х., РАҲАБОВА М. Навоий ва Фуркат.....	470
ТИШЛАЕВА Гулсанам. Алишер Навоий асарларида илм-фанни улутлаш.....	471
ТЎРАЕВА Дипноза. Тарихий романларда Алишер Навоий образининг бадий талкини.....	473
ТЎХТАМУРОДОВ Фуркат. “Хамса” образлари Мухсиний талкинида.....	475
УМАРОВ Сардорбек. Фаррух ва Ахий хикоятида футувват талкини.....	478
ФАЙЗУЛЛАЕВА Севара, АЗИМОВА Гулбаҳор. Шоҳ ва дарвеш хикмати.....	479
ХУҲАЕВ Тоҳир. Навоий ғазалларида дунё ва олам ҳақидаги қарашлар талкини.....	481
ХОЛДОРОВ Дилмурод. Навоий аъналари барҳаёт.....	483
ХОЛИЕРОВ Мурод. Алишер Навоий ва мусика санъати.....	483
ХУДАЙБЕРДИЕВ Акрам. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” дostonида эзотерик воқеликка интилиш қомилликка эришишининг шарт сифатида.....	484
ЧОРИЕВА Муротой. Ҳазрат Навоий қитъаларига баъзи шарҳлар.....	486
ШОЛПЕВ Одижон. Қомил инсон ғоясининг Мажнун образидаги акси.....	478
ШОКИРОВА Дилбархон. Алишер Навоий асарларини умумий ўрта таълимда ўқитиш муаммолари.....	490
ШАРИПОВА Лайло. Алишер Навоий ғазалиётда оддий фольклоризм.....	492
ЮСУБОВА Умид. Алишер Навоийнинг сўз қўллаш маҳорати.....	493
ЮЛДАШЕВА Гуландом. Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди қанадалиқ олима Мария Эва Субтелни нигоҳида.....	495
ҚОДИРОВА Насима. “Хамса” – маҳобатли тоғ (Навоийшунос олим талкинлари).....	498
ҚАЮМБЕРДИЕВА Нуржасон. “Балое ул-бидоя” девонидаги фардлар бадияти.....	500
ҚОРАЕВ Шерхон. Мирзо Улугбек адабий мажлислари.....	501
ҚУВВАТОВА Д., СОҲИБОВА З. Алишер Навоий ғазалларида бахор ва куз фаслларининг рамзий-тимсолий талкини.....	503
ҒИЁСОВА Хилола. “Назм ул-жавохир”нинг яратилиш тарихи, ўрганилиши.....	505
ҲАҚИМЖОНОВА Раъно. Навоий ижодида етакчи мотив.....	506
ҲАЙИТОВ Шавкат. Тарикат мақоми талкинида ояти қариманиннг ўрни.....	509
ҲАМИДОВА Моҳинур. Кичик жанрда катта маҳорат.....	511
ҲОЖИЕВА Г., НАЙИМОВА М. Алишер Навоийнинг “Маҷолис ун-нафоис” тазкирасида мусикага муносабат масаласи.....	513

тадбирли инсон эканлигини исботлайди. Яна бир мисол, бош мударрис Амир Бурхониддиннинг характериға хос баъзи бир кусурларни Пахлавон Мухаммадан эшитганда, унга шундай жуъли бир жавоб келтирадиги, берилган жавобдан Пахлавон Мухаммад кўнглига ҳам, Амир Бурхониддин шахсиятига ҳам заррача таъсир кўрсатмайди. Бу ҳам Навоий шахсиятига хос самимиятнинг реал кўринишининг акс эттиришидаги ёзувчи маҳорати билан боғлиқ жараёнлир. Адиб асарда Навоийнинг юрт бошқарувидаги улкан кўмагини, оқилона маслаҳатларини ҳам бир маромда акс эттиради. Бу ҳолатлар асарда ҳақиқатга мос тасвирлар орқали берилади. Навоий нафақат содиқ дўст, балки, юрт бошқарувида доно маслаҳатдош ҳам эди. У умри давомида бирга улғайган дўсти Султон Хусайин ёнида доимо елкама-елка туриб, юрт бошқарувида ёрдамлашади. Лекин у шундай бўлишига қарамай, ўзини доно сиёсатчи эмас, ижод кишиси эканлигини унутмайди. Ўз ижоди, өзгү инсоний хислатлари билан ҳаммининг кўнглига йўл топади. Навоийнинг бу хислатлари киши кўнглига нур бағишлайди. Бу асардаги Навоий образининг ўзига хослиги ҳам шу тарзда намоён бўлади. Шунингдек, романда Навоийнинг ўткир рухий кечинмалари, кескин вазиятлардаги кучли психологик ҳолатлари ҳам бу образ шахсиятига хос кирраларни очишга муҳим омил сифатида хизмат қилади. Масалан, асар бошида Навоийнинг бу дунё ўткинчи эканлиги ҳақида ўй суриб хаёлга ботиши, сунгра дўсти Пахлавон Мухаммад ўлимни эшитганидаги тушган ҳолати киши эътиборини тортмай қолмайди. “Энди фақир етим, сарвари олам етим! Қайдин излармиз сизни, фано даштиданму ёки бако гулшанидин? Замину замонни ишқу вафо нури билан чарагон қилган муборак кўзларингиз туфрокка тўлмасдин аввал мужда етказгайсиз, ҳей баходир оғам!” [6]. Бу ўткир рухий ҳолатдан Навоийни дўстига бўлган чексиз садоқати билан биргаликда дилида Оллоҳ ёди билан яшовчи бир файласуф зот сифатида ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбек адабиётида яратилган Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги қайси асарни олмайлик, бу асарлар улғу зотнинг соф ва самимий хислатларига алоҳида эътибор қаратилиб, ўзига хос тарзда реал тасвирларда маҳорат билан намоён этилган, дея оламиз. Асад Дилмурод ҳам “Пахлавон Мухаммад” романида Алишер Навоий образини ўткир рухий кечинмалари, кескин вазиятлардаги кучли психологик ҳолатлари орқали бу образ шахсиятига хос кирраларни очишга ҳаракат қилади. Тарихий образнинг бадний талқини шу тарзда акс эттирилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. *Ойбек. Навоий. – Тошкент.: Шарқ, 2012. 5-бет.*
2. *Қаримов Н. Ойбекнинг шоҳ асари. Ойбек. Навоий. – Тошкент.: Шарқ, 2012. 490–бет.*
3. *Аҳмедов Н. Тарихий шахс талқини. – Тошкент.: Адабиёт ва санъат, 1989. 4-б.*
4. *Сухбат митти муаллиф архивида сақланади.*
5. *Иўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент.: Янги аср авлоди, 2006. 35-бет.*
6. *Асад Дилмурод. Пахлавон Мухаммад. – Тошкент.: Шарқ, 2006. 6-бет.*

#### “ХАМСА” ОБРАЗЛАРИ МУҲСИНИЙ ТАЛҚИНИДА

ТЎХТАМУРОДОВ Фуркат

Тошкент  
(Ўзбекистон)

Ҳазрат Алишер Навоий ижоди барча даврларда шоиру адиблар учун бебаҳо илҳом манбаи, ўзига хос маҳорат мактаби бўлиб келган. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари Қўқон адабий муҳити намоёндаси Хусайинқули Сулаймонқули ўғли Мухсиний (1860 – 1917) ҳам буюк шоир санъатхонасидан (Шайхзода таъбири – Ф.Т.) сабоқ олган ижодкорлардан. Шоир лирикасида Алишер Навоий асарларининг таъсири қуйидаги кўринишларда намоён бўлгани қўзғатилади: 1) буюк салафи шеърларига татабулар битиш; 2) поэтик шакл ва мазмунда улғу шоирга эргашини; 3) “Хамса” дostonлари образларига мурожаат этиш. Ушбу тезисда ҳазрат Навоий буюк бешлигидаги машҳур образларнинг Мухсиний шеърлятидаги бадний талқини масаласига тўхталамиз.



Навоийнинг поэтик маҳорати Мухсиний учун адабий-эстетик мезон вазифасини ўзининг учун ҳам шоир ғазалларида буюк мутафаккир дostonларидаги Фарход, Мажнун, Хизр каби образларга тез-тез мурожаат этилади. Қуйидаги байт бу фикрга мисол бўлади:

*Гарчи Фарход ила Мажнун ўлса машҳури эсаҳон,  
Ринду расволигда аммо мен киби афсона йўх* [2; 23].

Ушбу байтда Фарход ва Мажнун ишқнинг тимсоли сифатида васф этилган. Улар я шу фазилати билан машҳур. Шоир лирик қаҳрамони эса – ринду расволигда афсона. “Шоирнинг “айш-ишратдан ўзини тортмайдиган, хароботий, беғам, бепарво” [3; 527] маънодаги шундай эътиборга олинса, Мухсиний уни Алишер Навоий таъсирида тасаввуфий-ирфони қўллагани аён бўлади.

Шоирнинг ижодий ниятига қараб, шеърларида Фарход ва Мажнун образларига ҳам ўзгариб бориши кузатилади. Мана бу матлаъда Мухсиний лирик қаҳрамони ўзини расмида” Фарход ва Мажнундан устун деб биледи:

*Урма, эй Фарходу Мажнун, талбалиг расмида лоф,  
Менча афсона эмасиз элга, даъволар хилоф* [2; 51].

Байтдаги поэтик талкин моҳиятида ошиқона шавқ, орифона ҳол борлигини пайқасмас. Ижодий ният “санъаткорнинг воқелик билан муносабати, воқеликни ўзича (ўзини) идеали, дунёқараши, савияси, маданий-маърифий даражаси, ҳаётий ва ижодий тажриби истеъдоди қуввати асосида) қабул қилиши ва идрок этиши натижаси” [4; 109] экани олинса, ана шу байтнинг ўзиёқ Мухсинийнинг мумтоз шеърят анъаналарини пухта эга далолат беради. Мазкур ғазалнинг кейинги байтларида Фарход образига яна мурожаат

*Ғам юкин чекмакка Фарход ила айлаб қийлу қол,  
Ўртамизда кечти баҳси ишқий айлаб иштилоф* [2; 52].

Мухсиний шеърлятида ҳазрат Навоий ижодий тажрибасини ўрганиш асосида шоирнинг босқичма-босқич такомиллашиб, ўсиб бориши ҳолати кузатилади. Юқоридаги ёрқин мисол бўлади. Шоир лирик қаҳрамони ишқда ғам юкига бардош беришда Фахр баҳслашишдаражасига етади. Ҳатто улар ўртасида ишқий баҳс натижасида келишимовчи бўлган. Ҳар ҳолда, ушбу бадий талкин гарчи Навоий дostonларидаги образ таъсирида эмас бўлса-да, Мухсинийнинг поэтик тафаккур жиҳатдан юксалганидан дарак беради.

Фарход билан баҳслашув, беллашув иштиёқи шоирнинг бошқа бир ғазалида ҳам чуқур ва ғўзал бадий шакл уйғунлигида ифодаланган:

*Кўтарам бори ғаминг кўҳини, эй ширинлаб,  
Тешасин урди тошига кўтаролмай Фарход* [2; 24].

Бир байтнинг ўзида тўрт бадий санъат – истиора (*ғаминг кўҳи*), нидо (*эй ширинлаб*), теша (*тош*) ва талмех (*Фарход*) воситасида сўзга зийнат бериш, инжа қочирим Мухсиний бадий маҳоратини яққол намоён этган. Фарход тешасини гўё кўтара олмагани боис у бир кезде лирик қаҳрамоннинг ғам тоғини кўтариши билан боғлиқ нозик лутф байт юксалтирган. Яна бошқа бир ғазалда Мухсиний Фарход ва Мажнун ишқига мана бу таъбиҳат билдиради:

*Бузди Фарход ила Мажнун муҳаббат тарҳин,  
Буйла таъмир ила вайронани қилдим анжом* [2; 71].

Бу ўринда ҳам шоир лирик қаҳрамонининг Фарход ва Мажнунга эътирози бор. Ҳа, муҳаббат тарҳини бузган. Мухсиний лирик қаҳрамони эса уларнинг хатоси боис вайрон қилган муҳаббат иншоотини таъмир қилган. Ҳазрат Навоий дostonларидаги бу каби матлаъларга мурожаат этиш орқали Мухсиний талмех санъатидан маҳорат билан фойдаланган. Талмехнинг “...шоирга бир ишора билан чуқур маънони ифодалаш имконини берувчи” [5; 100] ни, истиора, ташбиҳ каби санъатлардан фарқли ўларок, ижодкорга тарихий ё афсонавий ғайри-маасаллар, машҳур асарлар ва қаҳрамонлар образига ишора қилиш ва шу йўл билан ў

мўъжаз ҳолда кучайтириш учун имконият тугдириши” [1: 198,199] эътиборга олинса, Мухсинийнинг бадий маҳоратда муайян даражага кўтарилган шoir экани аён бўлади.

Мухсиний лирик шеърларида буюк Навоий “Хамса”сидаги образларга мурожаат отар экан, бу оркали ўз олдига оз сўзда кўп маъно ифодалаш, фикрга бадий зийнат бериш, назмда ўз ижодий ниятини теран поэтик талкин этиш мақсадларини кўяди. Навоий анъаналарини муносиб давом эттиради. Баъзи ўринларда буюк салафи дostonларидаги образларга янги маъно беради, янгича талкин қилишга эришади. Шоир лирикасидаги бу каби ижодий ютуқларни янада чуқурроқ тадқиқ қилиш адабиётшунослик олдидagi долзарб вазифалардандир.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Исҳоқов Е. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: O'zbekiston, 2014.
2. Мухсиний. Барҳаёт гулшан. – “Фарғона” нашриёти, 2008.
3. Навоий асарлари лугати (Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972.
4. Қуронов Д. ва б. Адабиётшунослик лугати. – Т.: Akademnashr, 2013.

## ФАРРУХ ВА АХИЙ ҲИКОЯТИДА ФУТУВВАТ ТАЛҚИНИ

УМАРОВ Сардорбек  
ТошДУТАУ  
(Ўзбекистон)

Дунёга ўзининг илму-урфонини намоён қилган Шарқнинг буюк даҳолари инсон камолоти, унинг маънавий-ахлоқий киффаси ҳамда руҳий оламини юксалтиришга алоҳида эътибор берганлар. Уларнинг савий-ҳаракати туфайли биз инсон тарбияси ва камолоти ҳақида улкан маънавий бойликларга эгамиз. Хусусан, Фаридидин Аттор, Мансур Халлож, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий каби алломаларимизнинг инсон руҳий камолоти ва маънавиятининг сир-асрорлари ҳақидаги қарашлари ҳозирги замон баркамол авлод тарбиясида ўзига хос мактаб бўлиб келмоқда. Хусусан, XV асарда яшаб ўтган тасаввуфшунос олим Хусайн Воиз Кошифий “Футувватномаи султоний” асарида инсон қалбининг чексиз саховати мардлиги ва фидоийлиги кенг ёритилади. Кошифий бу асарида “Камолот одамнинг одамга нафи тегиши ўзини бошқалар бахти учун фидо қилишдир”, [1: 6-7] деган эзгу фикрни билдиради. Алишер Навоий футувватнинг мазмун-моҳиятига “юқори баҳо бериб, “футувват – илми шариф – мўтабар илмдир” дейди. “Футувватномаи султоний”да баён қилинишича, “футувват” сўзининг луғавий маъноси ёшлиқдир.[1: 9-10] Ёш йигитни “фатий” дерлар. Баъзилар бу сўзга изоҳ бериб, футувватни жавонмардлик деганлар. Нажмиддин Комилов табири билан айтганда, “Футувват умрни дўстлар хизматида бағишлаш, фақат яхшиликни ўйлаб, яхшилик қилишдан чарчамаслик, эзгу ҳулқ-атворга эга бўлиш, борини ўзгалар билан баҳам кўриш, мухтожларга ёрдам бериш, пир-у устозлар, дўст биродарлар номуси, шарафини ҳимоя этиш, зоҳиран ва ботинан пок юриб, покиза инсонлар суҳбатини қозонишдир.” [2: 66-67]

Хусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний” асарида футувват ҳақида қуйидагича таълумот берилади: “Футувват билан дарахт орасида қандай ўхшашлик бор, деб сўрасалар, дегил-им, дарахтда тана, пўстлоқ, илдиз, шох-у барг ва гул-у мева бўлганидай футувватнинг ҳам танаси, илдизи, пўстлони, шохи ва гул-у меваси бор. Агар буларнинг ҳар бири нималардан иборат деб сўрасалар, жавоб бериб айтким, футувват дарахтининг илдизи, яъни унга қувват бериб яшнатадиган, ул ва мева келтирадиган асл манба пок муҳаббатдир. Ушбу дарахтнинг танаси – тавозеъ, шохлари – сабр -у тоқат, япроқлари – парҳез, пўстлоғи – одоб ва ҳаё, гуллари – хушфёълик ва марҳамат меваси – қарам билан саховатдир.” [1: 12-13]

Алишер Навоий ижодини улкан бир боғ десақ, футувват ана шу боғнинг тупроғидир. Навоий жодиди инсонни асл инсонийлик сари элтувчи футувват гоёлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Ҳазрат Алишер Навоий “Фавойид ул-қибар” девонига киритилган қуйидаги фард орқали футувватнинг маъносини янада аниқ ва тиниқроқ шарҳлаб берди: